



ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ ЎРНИ ВА АЪАМИЯТИ

Дурдона Муродова

*Фарғона давлат университети Санъатишунослик факультети “Вокал ва чолғу
ижрочилиги” кафедраси ўқитувчиси*

Юсупжонова Дилфузахон Олимжон қизи

*Фарғона давлат университети Санъатишунослик факультети “Вокал ва чолғу
ижрочилиги” кафедраси 3-босқич талабаси*

Аннотация: *Мазкур мақолада Шашмақом ва унинг тарихи хақида барча маълумотлар батафсил ёритиб берилган. Бундан ташқари мақом санъатининг ҳаётимиздаги ўрни қанчалик муҳим эканлиги айтилган.*

Калит сўзлар: *Шашмақом, Д.Кобалевский, ашула бўлими чолғу бўлими, шўьбалар.*

Бугунги глобаллашув жараёнлари, фан-техника тараққиёти, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратмоқда. Улар олдида тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ бўлишдек ҳаётий талабларни кўймоқда.

Шиддат билан ўзгараётган дунёда ўқувчи-ёшларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлашда масъулият, мажбурият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилиқ, маърифатлилиқ, диний ва миллий бағрикенглиқ, маънавий етуклиқ каби фазилатларни шакллантириш кун тартибидаги асосий масалаларга айланиб бормоқда.

“Жумладан, ёшлар тарбиясида дунёда юз бераётган мураккаб мафкуравий жараёнларга тўғри баҳо бера олиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда тўғри қарор қабул қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадларни шакллантира олишга ўргатиш, бунинг натижаси ўлароқ, оила-жамият ўртасидаги муносабатларни узилиб қолишининг олдини олиш, лоқайдлиқ, ҳуқуқбузарлиқ, «оммавий маданият»нинг турли кўринишларидан сақлаш имкони яратилади” [1].

Ўзбекистон Республикасини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ёшлар тарбияси



шахсан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббускорлигида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу йилнинг июл ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилиниши бунинг яққол тасдиғидир.

Тарбиялаш деганда ҳар томонлама етук - ўзида ахлоқий поклик, маънавий бойлик ва жисмоний баркамолликни мужассамлаштирган инсонни етиштириш назарда тутилади. Тарбиялашдаги вазифалар орасида кишиларни эстетик дид ва эҳтиёжларини шакллантириш катта рол ўйнайди.

Эстетик тарбия тизимида санъат етакчи ўринда туради. Ҳозирга қадар эстетик тарбиянинг мазмуни ҳамда вазифалари турлича талқин қилиб келинган. Кўпчилик олимлар ва тарбиячи-мураббийлар эстетик тарбияга бадиий идрок, дид ва эҳтиёжларни таркиб топтириш воситалари, шакллари ҳамда усулларининг тизими сифатида қарайдилар. Ҳозирга қадар ёшларни шундай услубда тарбиялаб келмоқдалар. Лекин, ёшларни бундай бир томонлама тарбиялаш кўнгилсиз натижа бериши мумкин. “Яъни, биз сўзнинг тор маъносида “эстетларни”, бошқача айтганда бадиий шаклларни яхши биладиган, фақат ташқи гўзалликни идрок этадиган, лекин маънавий жиҳатдан қашшоқ, ...санъат асарларининг мазмунидаги гўзаллик ва хунукликни кўрмайдиган ҳамда англолмайдиган кишиларни етиштиришимиз мумкин” [2,67]. Тарбиялашда эстетик дидни шакллантиришнинг ўзи етарли эмас. Ёшларни маънавий дунёқарашини бойитишда улрга бевосита таъсир ўтказувчи омилларнинг яхши ва фойдалисини, ёмон ва зарарлисини ажратиб бериш даркор.

Шу боис ёшлар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган мусиқа санъати ҳақида тўғри тушунчалар бериш, уларда мусиқий дидни шакллантириш бугунги куннинг долзарб мавзуларидандир.

Мусиқа жамият ривожланишининг ҳамма босқичларида ҳам инсонни тарбиялаш ва маънавий бойитишнинг бир воситаси сифатида хизмат қилади. Ҳозирги босқичда, яъни техниканинг мўллиги, ҳаёт маромининг тезлашуви, инсон ўзлаштириши лозим бўлган ахборотларнинг кўпайиши ақлни ривожланриси-да, ҳиссиётларни маълум даражада қашшоқлантириши ҳам мумкин. Ана шу ҳодиса юз бермаслиги учун мамлакатимизда шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг барча тадбирлари қўлланилиши лозим. Бу вазифани амалга оширишда мусиқа



катга ўрин эгаллайди. Бундан ташқари оммавий маданиятнинг салбий кўринишларидан бири бўлган ҳорижий енгил-елпи муסיқаларни кириб келиши ва ёшлар онгига, юриш-туриши, кийиниш маданияти ва муомаласига ҳам бевосита таъсир ўтказаётганини инкор этиб бўлмайди. Бунга қарши курашиш ёшларда мусиқий дид ва мусиқий иммунитетди ҳосил қилиш билан амалга оширилади. Яъни, ёшлар нега осон тушиниладиган, қувноқ, енгил ҳазм қилинадиган мусиқани мунтазам тинглаш тарбияга салбий таъсир кўрсатишини англашлари керак. Машхур мусиқачи педагог Д.Кобалевский шундай деган эди: “Чинакам санъат модалар таъсирида бузилмайди, у асрлар давомида яшайди ва инсониятнинг маънавий дунёсини бойитади, ўзи эскирмайди. Кўнгилочар мусиқа эса одатда ўткинчи модаларнинг беқарор қонунларига бўйсунди. Энг муваффақиятли эстрада кўшиқлари ҳам бир йилча, бир неча ой, хатто, бир неча ҳафтагина яшайди. Кўнгилочар асарлар дарров меъдага тегади, ўз жозибасини йўқотади ва янада қизиқарлироқ нарсага эҳтиёж туғдиради, кейин ундан ҳам қизиқарли нарсага интилиш пайдо бўлади ва бу ҳол чексиз давом этаверади” [3,29].

Мусиқа фақатгина вақт ўтказиш, кўнгилохушлик манбаи бўлиб эмас, балки нафис ҳиссиётларни уйғотадиган, эзгу ғоялар билан йўғрилиб, олий мақсад сари етаклаш ҳусусиятига ҳам эгадир. Агар асл мусиқа намуналарини тушуниб тингланса, ана шу ҳолатда ҳам инсон маънавий тарбияланиши, қалбининг сўз етиб бора олмайдиган жойларини ҳам озиклантириши мумкин. Бундай мусиқа асрлар давомида инсонларни манивиятини бойитиб, ўзи эскирмай келаётган – Мақомлардир.

Мақомларни бундай эътирофга эга бўлишига етарлича сабаб ва далиллар мавжуд. Чунки, мақомларнинг куй оҳанги мукамал пардалар йиғиндисидан иборат. Бу ҳақда ўтмишда яшаб ўтган бир қатор алломалар – Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Сафиуддин Урмавий, Ҳожа Абдулқодир Мароғий, Дарвеш Али Чангий, Алишер Навоий каби ўз даврининг етук арбоблари мусиқага оид рисолаларида батафсил баён этганлар. Қомусий олимларнинг мақомлар масаласида олиб борган илмий изланишлари шундан дарак берадики мазкур жанр ўзининг назарий, илмий ва энг асосийси диний-фалсафий асосларига эга. Шу билан бирга мақомларнинг ашула йўлларида мутафаккир шоирларнинг юқори савияли ғазаллари куйланганлиги ҳам ушбу дурдона асарлар чуқур фалсафий мавзуларни тараннум этишини кўрсатади. Ҳусусан, XVIII аср ўрталарида Бухорода шаклланган Шашмақом (олти мақом)даги ашула йўлларида



айтилган шеър матнлари Лутфий, Атоий, Саккокий, Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий каби мумтоз адабиёт султонлари томонидан битилган ғазаллардан иборатлиги мазкур мақом йўлларининг юқори савияли, зиёлилар ва ҳос тингловчилар учун яратилган мусиқа эканлигидан далолат беради. Демак, мақомларни тинглаш ва тушуниш инсонни зиёли бўлишига ҳам сабаб бўлади.

Мақом намуналарининг асосий шўъбаларига айтилган барча ғазал матнларида илоҳий ишқ куйланади. Шашмақомдаги ашула бўлимидаги шўъбаларга уларнинг куй йўлига мос вазндаги ғазалларнинг энг сара намуналари танлаб олиниб ижро этилганки, тингловчи асарнинг оҳанг ва матн мазмунини тушунгани сари маънавий дунёси бойиб бораверади.

Мумтоз мусиқа назариётчиси ва ижрочиларининг зиммасидаги энг асосий вазифа мақомларни назарий, амалий ва диний-фалсафий жиҳатдан ўрганиб, ўқувчи ёшлар ва талабаларга тўлақонли тушунча беришдан иботар. Шунда ёшларимизда мусмиқий дид ривожланиб, асл ва сунъий санъатни ажрата олиш қобилияти шаклланади. Натижада миллий ғурур, аждодлар меросига бўлган хурмат ортиб боради. Бундай ёшлар оммавий маданиятнинг салбий турлари ва маънисиз, жазавага тушадиган, тўқликка-шўхлик қабилида яратилган айрим хорижий мусиқаларга эргашиб кетмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1033-сонли қарори. 07.07.2020 йил.
2. Алижон Ҳасанов. Мусиқа ва тарбия. “Ўқитувчи”, Тошкент, 1993 йил. 67-бет.
3. Музыкальное образование в современном мире. М., «Советский композитор», 1973 йил. 29-бет.
4. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
5. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, 1(1), 196-199.
6. Murodova, D. (2022). ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ



ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ. *Science and innovation*, 1(B6), 702-707.

7. Murodova, D. R. Q. (2023). BO 'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O 'QITUVCHILARINING BADIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH MAZMUNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 644-649.

8. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 245-250.

9. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).

10. Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3(2), 846-850.

11. Муродова, Д. (2023). БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Актуальные проблемы гуманитарных и социальных наук., 3(S/4), 434-438.

12. Муродова, Д. (2023). FANLARARO HAMKORLIKDA BO 'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O 'QITUVCHILARINING BADIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI. *Наука и инновация*, 1(7), 137-140.

13. Муродова, Д. (2023). BO'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O'QITUVCHILARIDA BADIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING TAJRIBA-SINOV ISHLARI NATIJALARI VA UNI SAMARADORLIK DARAJASI. *Наука и инновация*, 1(7), 134-136.

14. Муродова, Д. (2023). ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ. *Наука и инновации*, 2(B5), 426-430.

15. Хожимаматов А. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ МЕРОСТА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРИБ БОРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.



"JOURNAL OF SCIENCE-INNOVATIVE RESEARCH IN UZBEKISTAN". JURNALI VOLUME 1, ISSUE 2, 2023. JUNE 249-253 bet.

16. Achildiyeva, M. (2023). PATNISAKI ASHULANING IJTIMOYIY JARAYONDA FALSAFIY TARAQQIYOTI XUSUSIDA. *Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan*, 1(2), 254-266.

17. Achildiyeva, M. (2023). QADIMGI DAVR CHOLG 'U SOZLARI VA ULARNING KELIB CHIQISHI. DENMARK" *THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY*", 14(1).

18. Achildiyeva, M., & Mohinur, M. (2023). O 'ZBEK SAN'ATINING ZABARDAST HOFIZI JO 'RAXON SULTONOV. DENMARK" *THEORETICAL AND PRACTICAL FOUNDATIONS OF SCIENTIFIC PROGRESS IN MODERN SOCIETY*", 14(1).

19. Achildiyeva, M., & Sabina, B. (2023). ALISHER NAVOIY ASARLARIDA MUSIQIY ATAMALAR. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 494-498.

20. Achildiyeva, M., & Atkiyoyeva, R. (2023). O 'ZBEK MILLIY BALETLARINING PSIXO-ESTETIK AHAMIYATI. *Gospodarka i Innowacje.*, 34, 485-489.

21. Ikromova, F. Y. Q., & Achildiyeva, M. (2023). XOR SAN'ATINING KELIB CHIQISH TARIXI, UNING JAMIYAT HAYOTIDAGI O 'RNI VA AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(5), 320-325.

22. Achildieva, M., & Ikromova, F. (2022). THE USE OF MAQOM METHODS IN THE OPERA" LEYLI AND MAJNUN" BY REINGOLD GLIER AND TOLIBJON SODIKOV. *Science and Innovation*, 1(4), 23-28.

23. Xojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). PROBLEMS OF PERFORMING MUSICAL STAGE WORKS (ON THE EXAMPLE OF THE OEUVRE OF UZBEK COMPOSERS). *Science and Innovation*, 1(4), 29-33

24. Khojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). Look at the Polyphony and Theoretical Heritage of SI Taneev. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 8, 87-89.

24. Xojimamatov, A. (2022). CHANG CHOLG 'USI TARIXIGA BIR NAZAR VA UNING ORNAMENTAL BEZAKLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 265-275.

25. Xojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). МУСИҚИЙ САҲНАВИЙ АСАРЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИ МИСОЛИДА). *Science and innovation*, 1(С4), 29-33.



26. Achildiyeva, M., Khojimamatov, A., Dilafruz, Y., & Ikromova, F. (2021). Uyghur Folk Singing Genre. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).

27. Achildiyeva, M. (2022). SHASHMAQOM MUSHKILOT BO'LIMINING NAZARIY ASOSLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 344-352.

28. Achildiyeva, M., & Ikromova, F THE SCIENCE OF MUSIC IN THE FORMATION OF HUMAN

29. VALUES IN YOUNG PEOPLE'S LIFE. *INTERNATIONAL JOURNAL FOR ENGINEERING AND MANAGEMENT RESEARCH*, Vol 10 Issue02, Feb 2021 ISSN 2456-5083

30. Achildiyeva, M., Xojimamatov, A., & Ikromova, F. (2022). Shashmaqom saboqlari:" Navo" maqomi xususida. *INTERNATIONAL JOURNAL FOR ENGINEERING AND MANAGEMENT RESEARCH*, 11(01), 55-58.

31. Achildiyeva M 2021 Academic Yunus Rajabi and His Scientific Heristage *Annals of Romanian Society for Cyell Biology* 25(4) 9092-9100

32. Achildieva, M., Ikromova, F., Abutolipova, M., & Khaydarova, O. (2021). The third renaissance towards ascending. *European Scholar Journal*, 2(9), 17-20.

33. Achildiyeva, M., Axmedova, N., Ikromova, F., Haydarova, O., Ibrahimova, G., & Abdurahmonov, A. (2021). TANBUR: ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(6), 302-308.

34. Achildieva, M., & Ikromova, F. (2020, December). THE PLACE OF UZBEK MUSIC IN THE ART. In *Archive of Conferences* (Vol. 10, No. 1, pp. 90-93).

35. Achildiyeva, M. (2022). SHASHMAQOM MUSHKILOT BO'LIMINING NAZARIY ASOSLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 344-352.

36. Achildieva, M., & Ikromova, F. (2022). THE USE OF MAQOM METHODS IN THE OPERA" LEYLI AND MAJNUN" BY REINGOLD GLIER AND TOLIBJON SODIKOV. *Science and Innovation*, 1(4), 23-28.

37. Achildiyeva M. Ikromova F. THE BALLET "TOMARIS" IN THE CULTURE OF UZBEK BALLET PLASE AND SIGNIFICANCE SPECTRUM *Journal of Innovation, Reforms and Development* (2022) ISSN (E):2751-1731 15-19

38. Achildieva M, Butabayeva N, Nosirova M. A GLANCE AT THE SCIENTIFIC AND CREATIVE HERITAGE OF BORBAD MARVAZI *European Journal of Agricultural and Rural Education (EJARE)* Vol. 4 No. 05, May 2023 ISSN: 2660-5643 1-6



39. Achildiyeva M. The Role of Music in Forming the Artistic-Aesthetic Taste of Youth *BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT* ISSN: 2835-3579 Volume:2 Issue:7 | 2023 173-179

40. Xojimamatov A Evolution of Philosophical Views on Music and National Musical Heritage *BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT* ISSN: 2835-3579 Volume:2 Issue:7 | 2023 162-166

41. Achildiyeva M. Atkiyoeva R. O'ZBEK VA JAHON SAHNALARIDA KATTA ASHULANING O'RNI VA AHAMIYATI *Journal of Engineering, Mechanics and Modern Architecture* Vol. 2, No. 7, 2023 ISSN:2181-4384 11-14

42. Xojimamatov A. Atkiyoeva R. "VODIY BULBULI" TAVAKKAL QODIROVNING IJODIY MEROSI BUGUNGI KUN NIGOHIDA *Journal of Innovation, Creativity and Art* Vol. 2, No. 7, 2023ISSN:2181-4287 4-7

43. Xusanovna, D. N. (2023, April). BOLALAR FALSAFASI VA UNING SHAXS RIVOJIDAGI O'RNI. In *E Conference Zone* (pp. 73-78).

44. Djalalova, N. (2023). PIANO PERFORMANCE AS A FACTOR THAT ACTIVATES STUDENTS'MUSICAL AND AESTHETIC WORLD VIEWS AND DEVELOPS MUSICAL CULTURE. *Science and innovation*, 2(B4), 339-342.